

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР! ● КУЛЬТИВАЦИЯНИ НОРМАЛ КЕНГЛИКДА, БЕЛГИЛАНГАН ЧУҚУРЛИКДА ЎТКАЗАЙЛИК ● ҒЎЗАЛАРНИ ҚОНДИРИБ СУҒОРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК. ● ДАЛАЛАРДА БЕГОНА ЎТ БЎЛМАСИН.

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ИЙЛ
ЧИҚИШИ

№ 117 (4576)

15
ИЮНЬ
ПАЙШАНБА
1972 ЙИЛ
Баҳоси 2 тийин.

ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗ- ЛИК МАНФААТЛА- РИНИ НЎЗЛАБ

14 июнда Тошкент обла-
сти ва шаҳар партия ташкилотлари
активнинг йилги йиғилиши бўлиб ўт-
ди. «Халқаро аҳоли тўғрисида»
масала юзасидан КПСС
Марказий Комитети 1972 йил
май Пленумининг қарорлари му-
ҳокама қилинди.

Йиғилишда Тошкент обла-
сти партия комитетининг биринчи
секретари М. М. Мусахонов,
Бекobod-цемент комбинатининг
машинасига З. Мусаев, Янгйўл
район партия комитетининг бирин-
чи секретари А. П. Алимов,
«Ўзбекистон ССР беш йиллик
соҳовининг бригадари Э. Али-
ев, «Чарвақестрой» партия
комитетининг секретари В. Н.
Дришак, Тошкент 1-уйсоз-
лик комбинати боғиқчилари-
нинг бригадари Н. Х. Ормолов,
Киров район партия комитети-
нинг биринчи секретари Г. К.
Хайдарова, «Электрострой»
ўрта осий ишлаб чиқариш
бирлашмасининг бош директори
В. Ф. Фетисов, Тошкентдаги
157-мактабнинг ўқитувчиси
Г. Х. Умарова сўзга чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Ком-
мунистик партия ва Совет дав-
латининг ташқи сиёсатини қиз-
гин маъқуллаб, КПСС Марказий
Комитети Сийёсий Бюроси,
шаҳсан КПСС Марказий Коми-
тетининг Бош секретари ўртоқ
Л. И. Брежнев ишчилик билан
амалга ошираётган ленинча
доно йўли Тошкент обла-
сти ва шаҳарнинг коммунистлари,
барча меҳнаткашлари ақлдан
билан нўзлаб-қувватлаётганли-
ларини айтдилар.

(ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Бекobod районидаги Ленин номли колхознинг ғўза
қатор ораларига ишлов бериш ва кўчатларни тўла
сақлаб қолиш юзасидан белгилаган тадбирлари

Колхозимиз аъзолари мамла-
катимизнинг шонли 50 йиллик
кунини муносиб соғиналар билан
кўтиб олиш учун фидокорона
меҳнат қилмоқдалар. Хўжалик-
даги ҳар бир бригадани юби-
лейлигида социалистик мусобақа-
си кенг қўлдоқ ёйган. Колхоз-
чилар бу йил 5500 тонна пахта,
20 тонна шўла, 400 тонна
ғағла, 195 тонна сабзавот, 30
тонна картошка, 225 тонна мева,
25 тонна узум, 70 тонна гўшт,
400 тонна сўт, 47 минг дона
тухум етиштириб, давлатга со-
тишга аҳд қилдилар.

Зиммага олинган юксак ва-
зифани бажаришга қатъий бел
боғладик. Об-ҳавонинг ноқулай-
ликларига қарамай хўжаликни
комплекс равишда ривожланти-
риш учун барча куч ва ғайрат-
тимизни сафарбар этилди. Кол-
хозчиларимиз йилда етишти-
риш ва давлатга сотишда кат-
та ишлар қилишди.

Илақ кўрғи боқилиши намуна-
ли йўлга қўйишлари сабабли
мўл ҳосил етиштириб давлатга
топширдилар. Эндиликда пахта-
чиликни ривожлантириш соҳа-
сида ҳам улкан ишларни тўх-
тосиз амалга оширялмиш. Хў-
жаликдан асосий куч қатор
ораларига ишлов беришни на-
мунали йўлга қўйиш ва ҳар
гектар ерда мажбурийнинг қоп-

лайдиган даражада ҳосил бўли-
шига эришишга сафарбар этил-
ган. Бу ишда колхозчи деҳқон-
ларимиз, азамат механизатор-
ларимиз ҳорай-толмай меҳнат
қилишляпти.

Биз ғўза қатор ораларида
ишлаётган кишилар учун барча
шароитларни яратиб берил-
миш. Далада оймавий-ташкил-
лий, сиёсий ва маданий ишлар
ахши йўлга қўйилган. Дала
ишчиювларида тушунтириш иш-
лари олиб бориюмоқда. Илгори-
ларнинг бой тақриблари ома-
лаштирилиб, ғўзаси ўсишдан
орқда қолаётган бригадани ва
участкаларга яқиндан ёрдам
берилляпти. Колхоз правлене-
си ва партия ташкилотининг бутун
диққат эътибори ҳар бир участ-
када ишнинг сифатли бажарили-
шига қаратилган.

Биз ғўза парваришини авж ол-
дирилган шу кўнларда колхоз-
чи ва механизаторларга иш ха-
ли тўлаш масаласини қайта кў-
риб чиқдик. Шунга мувофиқ
ишнинг сифатли бажарилишига
кўшмча ҳақ тўлашни белгилан-
ди.

90х20 сантиметр кенликда
чингит эккан бригадани ёни азе-
нода гектарига 90 минг тўп кў-
чат сақлаб қолди. 60х50
сантиметр кенликда чингит
экиб, 85 минг тўп кўчатни сақ-
лашга муваффақ бўлган брига-

даларнинг бошлиқларига, сув-
чи, механизатор ва колхозчи-
ларга июнь, июль ва август ой-
ларида ишлаб топган ўртача
бир ойлик маошга 20 процент
миқдорда кўшмча ҳақ тўла-
нади.

Юқорида белгилаган кў-
шмча ҳақ ғўза қатор оралари-
да ишлов бериш тажов бўлган-
да кейин мутахассислар то-
монидан аниқ билан қабул қилиб
олинганда кейингина тўлана-
ди.

Бизда сувчиларнинг моддий
манфаатдорлигини ошириш
учун ҳам бир қанча зарур тад-
бирлар белгиланди. Агар сув-
чилар кундалик нормаларини
бажариб, ғўзани сифатли су-
ғорса ундай кишиларга ҳар ой-
нинг охирига бориб ишлаган
ҳақига кўшмча равишда 20
процент ҳақ ёзилди.

Колхоз правлене-
си ва партия ташкилоти томонидан иш-
лаб чиқилган тадбир колхозчи
ва механизаторларнинг кенгай-
тирилган йилдагида атрофи-
ча муҳокам қилинди. Сўзга
чиққан колхозчилар ҳар бир
кундан унумли фойдаланиб ғў-
за қатор ораларига ишлов бе-
ришни янада қулайтиришга қа-
рор қилдилар.

КОЛХОЗ ПРАВЛЕНИЕСИ,
ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ.

● ШУ кўнларда ғўзани қон-
дириб суғориш ерга солинган
ўғитининг ахши сиғишига ва
экиннинг нормал ривожланиши-
га катта ёрдам беради. Ўрта
Чирчиқ районидаги «Полярная
звезда» колхозининг аъзолари
деҳқончиликнинг ана шу қонда-
сида ҳамма вақт катта эътибор
берадилар. Улар сувни ғўзага
ер шароитига қараб меёрида
тарқатдилар. Эгитларнинг бош
қисми, ўрта қисми ва этагини
ҳам бир хилда сувга қондириш
учун курашадилар. Ғўзани су-
ғориш кеча-кундуз пухта таш-
кил этилганда, сувчиларга
қулай шароит яратиб берилган-
лиги белгиланган норманинг
опириш ва сифатли бажарили-
шини таъминламоқда. Суратда:
тақрибали сувчи Нурсид Ума-
ров.

А. Абалев фотоси.



ДЎСТОНА ВИЗИТ

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ
ЖАЗОИРДА БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Миллий Озодлик fronti пар-
тиясининг тақдирига буюнган
Совет Иттифоқи Коммунистик
партиясининг делегацияси 1972
йил 5 июндан 13 июнгача Жа-
зоир Халқ Демократик Респу-
бликасида бўлди. Делегацияга
Иттифоқи аъзолигида
Сийёсий Бюроси аъзолигида
кандидат, Ўзбекистон Компар-
тияси Марказий Комитетининг
биринчи секретари Ш. Р. Ра-
шидов бошчилик қилди.

Бу ният таом бўлиши бил-
дан қабул қилинган Совет-Жа-
зоир кўшма ахборотида бундай
дейилади: КПСС делегацияси
Жазоир халқининг 1965 йил
19 июндаги революцион ўза-
риш пайтидан буюн Миллий
Озодлик fronti партияси раҳ-
барлигида турли соҳаларда ку-
раётган тадбирлари билан қизи-
қиб танишди.

КПСС делегацияси Жазоир
саноатини вужудга келтириш
соҳасида эришилган муваффа-

қиятларга юксак баҳо берди.
Делегация Ал-Хожардаги йи-
рик металлургия комплексини
бориб кўрди. Делегация бу ер-
да Жазоир делегацияси ва ма-
халлий мазмулар билан Совет
Ҳалқ Демократик Респу-
бликасида бўлди. Делегацияга
Иттифоқи ўртасидаги дўстона
ва амалий ҳамкорликнинг кат-
та натижаларга эришганлигини
маъмурий билан қайд қилди.
КПСС делегацияси ҳамма
жойда самимий ва дўстона ку-
раб олинди.

Жазоир Халқ Демократик
Республикаси Революцион Кен-
гайининг раиси, Министрлар
Советининг раиси Хуари Бу-
миддин КПСС делегациясини
қабул қилди. Делегация унга
Л. И. Брежнев, Н. В. Подгор-
ний, А. Н. Косигин ўртоқлар-
нинг самимий ва дўстона «сало-
мини» топширди.

(Давоми 2-бетда)

ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети
Сийёсий Бюроси аъзолигида на-
тижа, Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг бирин-
чи секретари Ш. Р. Рашидов
бошчилигида КПСС делега-
цияси Жазоир Халқ Демокра-
тик Республикасида қилган са-
фаридан 13 июнда Москвага
қайтиб келди. Делегация саста-

вида КПСС Марказий Коми-
тети аъзолигида кандидат, КПСС
Архангельск обла-
сти, биринчи секретари В. В.
Попов, КПСС Брянск обла-
сти комитетининг секретари В. А.
Смирнов, КПСС Марказий Ко-
митети халқаро бўлими секто-
рининг мудири В. П. Румянцев
бор эди.

ҚАРДОШ БОЛГАРИЯ ВАКИЛЛАРИ МОСКВАДА

Болгария Компартияси Мар-
казий Комитетининг аъзоси,
болгар-совет дўстлиги умум-
халқ комитети раисининг би-
ринчи ўринбосари К. Луканов
бошчилигида болгар-совет
дўстлиги умумхалқ комитети-
нинг делегацияси 13 июнда
В. И. Ленин мавзоелини ани-
рат қилиб, гулмамбар қўйди.

Делегация аъзолари Гитлер
фашизмга қарши олиб бори-
лган жангларда ҳалок бўлган
совет жангчиларининг хотира-
сини ҳурмат билан эсга олди-
лар. Номатум солдат қабрига
гулмамбар қўйилди.
Болгариянинг ўртоқлар халқ-
аро ишчилар ва коммунистик
ҳаракатининг атоқли арбоби

қардош халқнинг буюк ўғли
Георгий Димитров туғилган
куннинг 90 йиллигини байрам
қилиш муносабати билан мам-
лакатимизда меҳмон бўлиб ту-
рибдилар.
Ана шу шонли саёра муноса-
бати билан мамлакатимизда ў-
таказилган тадбирларда коми-
тетининг бош секретари Ганчо
Тодоров бошчилигидаги болгар-
совет дўстлиги умумхалқ коми-
тетининг 360 активисти ҳам
иштирок этиди. Болгар жамоат-
чилигининг вакиллари Киев ва
Ленинградда бўдилар. 13 июн-
да улар дўстлик поезди билан
Москвага қайтиб келдилар.

(ТАСС).

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия ко-
митети депутатларга шунинг маълум қилдики, XIII қақирқи Тошкент
шаҳар Советининг V сессияси 1972 йил 20 июнда эрталаб соат 11
да Ўзбекистон КП обла-
сти комитетининг (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй)
мажлислар залида қақирлади.

Сессияда қараб чиқиб учун қуйдаги масалалар киргизилди:
1. Шаҳар хўжалигини ахшилаш бўйича кўшмча тадбирлар тў-
ғрисида ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг вазифа-
лари.

Докладчи ўртоқ Х. А. Асомов — Тошкент шаҳар Совети ижроия
комитети раиси.

2. Тошкент шаҳридаги маҳаллий Советлар ижроия комитетла-
рига қорхона ва ташкилотларда КПСС XXIV съезди қарорлари асо-
сида граждандарнинг тақдирлари, еризалари ва шикоятларини қа-
раб чиқиб, кишиларни қабул қилишнинг аҳоли ва уни янада ах-
шилаш чоралари ҳақида.

Докладчи ўртоқ Б. А. Зайцев — Тошкент шаҳар Совети ижроия
комитети раисининг ўринбосари.

3. Тошкент шаҳридаги жамоат тартиби, ободонлаштириш ва са-
нитария қондалари ҳақида.

Докладчи ўртоқ И. Р. Шоабдурахимов — Тошкент шаҳар Со-
вети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

4. Ташкилий масалалар.

Депутатлар 1972 йил 20 июнь эрталаб соат 10 дан ўша ерининг
ўзида рўйхатга олинобошляди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖЛАНИШДА

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари
етиштириш юзасидан беш йиллик
планни тўрт йилда бажариш юза-
сидан ташаббус бошлаган Кали-
нина районидagi «Ленин йўли»
колхоз аъзолари ўз сўзларининг
устидан қилиш учун фидокорона
меҳнат қилмоқдалар. Улар беш
йилликнинг биринчи йилда бел-
гиланган топшириқни ошириб
бажардилар ва деҳқончилик, боғдор-
чилик, чорвачилик маҳсулотлари
етиштириш юзасидан катта ютуқ-
ларни қўлга киритдилар. Шу кўн-
ларда фидокор колхозчилар ва
бир сўзга чорвадорлар шаҳар
меҳнаткашларига қўлаб маҳсулот
етказиб бериш йўлида астойдил
ҳаракат қилмоқдалар.

Биз бу гал колхознинг чорва-
дорлари ҳақида батафсилроқ га-
пирмоқчимиз. Колхозда бундан
уч-тўрт йил илгари ситгилардан

сут соғиб олиш соҳасида ҳам,
молларни бўрдонига боқишда ҳам
бирмунча орқанда эди. Колхозда
илгорлар қаторига етиб олиш
учун барча тадбирлар амалга
оширилди. Колхоз правлене-
си ва партия ташкилоти биринчи на-
батда соғин ситгилар сонини мўл-
жаллаганига етказиб олиш учун ҳа-
ракат қилдилар. Улар бу соҳада
айрим хўжаликларда қилинаётган
ишларни ташқаридан мол соғиб
олиш йўлидан билан эмас, қўло-
да бузоқларни катта қилиб, бо-
қиб, ўз шароитларига ўргатган
ситгиларни қулайтиришни афзал
қўйдилар. Орадан кўп ўтмай сер-
сиз ситгилар сонини орта борди. Шу
кўнларда колхоз фермасида план-
да мўлжаллангандек 180 бош
соғин ситгир боқилмоқда. Сут со-
ғичилар, молбоқарлар ва умуман
ферма коллективини соғин ситгилар-

ни тўйимли, ширали озуқалар би-
лан боқиб, улардан қўлаб сут со-
ғиб олмақдалар.

Область колхоз ва совхозларида
ҳар бир ситгилар тўрт ой давоми-
да сут соғиб олишни кўрсатувчи
маълумотда «Ленин йўли» колхоз-
и учинчи ўринга чиқиб олган
кўрсатилган эди. Колхоз чорва-
дорлари бундан ҳам юқориқ
ўринни эгаллаш учун астойдил
меҳнат қилмоқдалар.

Колхоз фермасида бўлсангиз
Кумуш Каримова, Халима Қўзие-
ва, Тўхта Каримова сингари ўз
ишнинг усталари билан қолган
сут соғувчилар бўлиб суҳбатла-
шсангиз, Улар боқимларидаги соғин
ситгиларини яхши парваршлаб
мўлжаллагандан айча ортиқ сут со-
ғиб олмақдалар. Кумуш Каримова
13 ситгирин соғиди. Беш ой даво-
мида ҳар бир ситгилар 1508 ки-

лограммдан сут соғиб олибди. Шу-
нинг қувончлики, у топшираётган
сут ёғлиги жиҳатидан юқори бўл-
моқда. Тўхта Каримова ҳам дуго-
наси билан бир сафда боришга
ҳаракат қилаётди. Тўхта Каримова
ўз боқимидан 14 ситгирининг ҳар
биридан беш ой давомида 1487
килограммдан, Халима Қўзиева
эса 1544 килограммдан сут соғиб
олдилар.

Бу ерда Халима Қўзиева ишла-
ри тўғрисида алоҳида тўхталиб
ўтиш керак. Унга 13 та ситгир би-
риктирилган. Уларнинг ҳаммаси
биринчи йил соғилаётган ситгир-
лардин. Халима Қўзиеванинг пла-
ни ҳар бир ситгилардан 2542 кило-
граммдан сут соғиб олиш. Халима
ёш ситгиларини меҳр билан парва-
риш қилиб, уларни ҳамма тўй-
дириб боқиб ана шундай натижага
эришляпти. Бу шунинг кўрсаткичи,

колхоз фермасида етиштирилаёт-
ган бузоқлар маҳаллий шароитга
мосланган ситгилар бўлаётганлиги
учун ҳам улардан биринчи йил-
даёқ қўлаб сут соғиб олинаётди.

Колхозда молларни семиртириб
гўштга топшириш юзасидан қили-
наётган ишлар ҳам иборатлидир.
Бултур ҳам, бу йил ҳам гўштга
топширилаётган икки ёшли бу-
зоқларнинг тирик вазни 450—460
килограммга етказилмоқда. Бу бил-
дан колхоз катта фойда кўраётди.

Беш йилликнинг иккинчи йил-
да чорвачиликни ривожлантириш-
да ва унинг маҳсулдорлигини оши-
ришда дастлабки ютуқлар қўлга
киритилаётган экан, колхоз чор-
вадорларига бундан кейин ҳам
каттароқ муваффақиятларга эри-
шишларига тилақдошимиз.

С. МАҲКАМОВ.



СУРАТДА: (чапдан ўнгга) Кумуш Каримова, Тўхта Каримова, ферма мудири Собир Шокиров, Халима Қўзиева ўртоқлар.

А. Абалев фотоси.

